

## МАЪРИФАТЧИЛИК АДАБИЁТИ ВА РОМАН ЖАНРИНИНГ ТУРК АДАБИЁТИГА КИРИБ КЕЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10457395>

**Ойша Шукурова**

Тошкент Давлат Шарқшунослик университети

таянч докторанти

[orient\\_vostochka@mail.ru](mailto:orient_vostochka@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада роман жанрининг турк адабиётига кириб келиши ва унинг омиллари ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада Шамсиддин Сомийнинг дастлабки роман намунаси саналувчи “Таашшук-и Талъат ва Фитнат” асари таҳлил этилган.*

***Калим сўзлар:** Танзимот, маърифатчилик адабиёти, роман, классицизм, романтизм, Номиқ Камол, Аҳмад Митҳат, Шамсиддин Сомий.*

## ENLIGHTENMENT LITERATURE AND THE PENETRATION OF THE NOVEL GENRE IN TURKISH LITERATURE

**Oysha Shukurova**

Doctoral (PhD) student of TSUOS

[orient\\_vostochka@mail.ru](mailto:orient_vostochka@mail.ru)

### ABSTRACT

*This article describes the penetration of the novel genre into Turkish literature and its factors. The article also analyses Shamsiddin Sami's work "Taashshuk-i Tal'at va Fitnat", which is considered to be the first example of the novel.*

***Keywords:** Tanzimot, Enlightenment literature, novel, classicism, romanticism, Namik Kemal, Ahmad Mithat, Shamsiddin Sami.*

## **ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ЛИТЕРАТУРА И ПРОНИКНОВЕНИЕ ЖАНРА РОМАНА В ТУРЕЦКУЮ ЛИТЕРАТУРУ**

**Ойша Шукурова**

Докторант ТашГУВ

[orient\\_vostochka@mail.ru](mailto:orient_vostochka@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье описывается вхождение жанра романа в турецкую литературу и его факторы. В статье также анализируется произведение Шамсиддина Сами «Таашшук-и Талъат ва Фитнат», которое считается первым образцом романа.*

***Ключевые слова:** Танзимот, просветительская литература, роман, классицизм, романтизм, Намык Кемаль, Ахмад Митхат, Шамсиддин Сами.*

### **КИРИШ**

Усмонли салтанатининг адабий муҳитида XIX аср катта ўзгаришлар ва янгиликлар даври бўлди. Ғарбга томон интилиш кучайган бу асрнинг иккинчи ярмига келиб адабиётда ҳам Ғарбга тақлидни кўришимиз мумкин. Маданий ва сиёсий ҳаракатларнинг ҳосиласи ўлароқ юзага келган Танзимот адабиёти даври 1860-1895-йилларни ўз ичига олади. Танзимот даври адабиёти икки йирик гуруҳга ажратиб ўрганилади. Бунинг сабаби ижодкорлар ўртасидаги адабий қарашларнинг фарқлилигидир. Икки давр орасидаги асосий фарқ шунда кўринадикки, биринчи даврда адиблар халққа ён босган ҳолда кўпроқ ижтимоий масалаларда қалам тебратган бўлса, иккинчи давр ижодкорлари асосан сўз санъатини намойиш қилишга интилади.

Биринчи Танзимот даври 1860-1876-йилларни ўз ичига олиб, бу даврда ёзилган асарларни “санъат – жамият учун” ғояси остида бирлаштириш мумкин. Мазкур давр “Шиносий - Номиқ Камол - Зиё пошо мактаби” сифатида ҳам танилган. Айрим адабиёт тарихчилари Танзимот адабиётини фақат биринчи давр билан чегаралаб қўйган. Аммо шуни унутмаслик лозимки, ҳар қандай тарихий ҳодиса ҳам бирданига пайдо бўлиб, бирданига тугаб қолмайди, ҳар бир ҳолатнинг тайёргарлик (Танзимот адабиётига тайёргарлик Танзимот Фармоннинг қабул қилинганидан кейинок, 1840 йилларда бошланган), тараққиёт ва якуний қисми бўлади. Шундан келиб чиқиб, Танзимот адабиётининг ҳар иккала даврини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топилади.

Биринчи Танзимот даврида адиблар содда тилда ёзишни кўзда тутсаларда, бу борада айтарли натижаларга эриша олмайдилар. Халқ адабиёти ёқланиб, Девон адабиётининг тақлидга асослангани шу даврга хос тушунча саналади. Давр адабиётига хос тематикалар сифатида асосан Ватан, миллат, хуррият, адолат кабилар яққол кўзга ташланади. Бу давр адабиётида романтизм, қисман классицизм оқимларининг таъсири кузатилади. Биринчи Танзимот даврида адабиётга жамият онгини юксалтириш воситаси ўлароқ қаралади. Ғарбга хос тушунчалар - роман, ҳикоя, театр, газета, танқид, хотиралар кабиларнинг турк адабиётида шу даврда юзага кела бошлаши даврнинг аҳамиятини оширади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Роман жанри аввало Туркиянинг ўзида, сўнг хорижий мамлакатларда янги бир адабий меъёр, бадийликнинг инъикоси сифатида тан олиниши биланок, бу борада кўплаб мақола, асар ва монографик тадқиқотлар нашр қилинди. И.Татарли, Р.Моллоф<sup>1</sup>, Р.Танер, А.Безиржи<sup>2</sup>, Ш.Акташ<sup>3</sup>, Д.Йилмаз<sup>4</sup>, К.Акюз<sup>5</sup>, Н.Сами Банарли<sup>6</sup> кабиларнинг тадқиқотлари Туркияда роман жанрининг пайдо бўлиши ва дастлабки романларнинг мазмуний таснифига бағишланган. Шунингдек, россиялик тадқиқотчилар В.Гордлевский<sup>7</sup>, Д. Еремеев<sup>8</sup>, А. Евдокимова<sup>9</sup>, Н. Дулина<sup>10</sup>, Н. Айзенштейн<sup>11</sup>, В. Гарбузова<sup>12</sup>, Р.Фиш<sup>13</sup> ва Х.Кямилев<sup>14</sup> ўз асарлари ва тадқиқотларида Усмонли империясининг XIX асрдаги адабий муҳити, Ғарб адабиётининг унга кўрсатган таъсири ва бевосита романчиликнинг турк адабиётида пайдо бўлишига доир қиматли маълумотларни келтирганлар. Бу тадқиқотлар XIX аср ўрталари - XX аср бошларида яратилган романларни қамраб олган бўлиб, уларда Танзимот

<sup>1</sup> Hüseyin Rahmi'den Fakir Baykurt'a kadar Türk Romanı / Tatarlı İ., Mollof R. – Sofya: Vatan Cephesi Milli Saveti Yayınevi, 1968. – S. 216.

<sup>2</sup> Seçme Romanlar (yazarları, özetleri, eletiriler, kaynaklar) Taner R., Bezirci A. – İ.: Hür Yayınevi, 1973. – S. 248.

<sup>3</sup> Aktaş Ş. Roman Sanatı ve Roman İncelemesine Giriş. – A.: Akçağ Yayınları, 1991. – S. 166.

<sup>4</sup> Yılmaz D. Roman Kavramı ve Türk Romanının Doğuşu. – A.: Kültür Bakanlığı, 1990. – S. 160.

<sup>5</sup> Akyüz K. Modern Türk Edebiyatının Ana Çizgileri. – A.: İnkılap, 1979. – S. 270.

<sup>6</sup> Banarlı N.S. Resimli Türk Edebiyatı Tarihi. 2. cilt. – İ.: MEB Yayınları, 1971. – S. 550.

<sup>7</sup> Гордлевский В.А. Избранные сочинения. В 3-х т. – М.: Издательство восточной литературы, 1962. Т.2. – С. 560.

<sup>8</sup> Еремеев Д., Мейер М. История Турции в средние века и новое время. – М.: МГУ, 1992. – С. 246.

<sup>9</sup> Евдокимова А. История стран Востока в новое время. – Уфа: БГПУ, 2009. – С. 238.

<sup>10</sup> Дулина Н. Танзимат и Мустафа Решид-паша. – М.: Наука, 1984. – Б. 191.

<sup>11</sup> Айзенштейн Н. А. Из истории турецкого реализма. – М.: Наука, 1968. – С. 284.

<sup>12</sup> Гарбузова В. С. Поэты средневековой Турции. – Л.: ЛГУ, 1963. – С. 201.

<sup>13</sup> Фиш Р. Г. Писатели Турции - книги и судьбы. – М.: Наука, 1963. – С. 242.

<sup>14</sup> Кямилев Х. У истоков современной турецкой литературы. – М.: Наука, 1967. – С. 132.

давридаги адабий жараёнларнинг умумий белгиларии ёритиш, адиблар ва уларнинг асарлари ҳақида тўлиқ бўлмаган маълумотлар бериш, романлар сюжети баён қилиш, романни мазмун ва шаклига кўра таснифлаш тамойили кузатилади.

Мустақиллик даври ўзбек адабий танқидчилигида ҳам роман назариясига оид залворли тадқиқотлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Биз турк романининг жанр табиатини ўрганишда имкон доирасида ўзбек, ғарб, рус ва турк олимларининг масалага оид ишларига таянамиз. Алоҳида эътироф этиш жоизки, О.Шарафиддинов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, А.Алимбеков, Й.Солижонов, М.Холбеков, Д.Қуронон, А.Расулов, З.Пардаева ва бошқа олимларимизнинг тадқиқотларида ўзбек романи билан бир вақтда жаҳон романчилигига оид илмий пухта асосланган, назарий қарашлари бизнинг тадқиқотимизда методологик замин бўлиб хизмат қилди.

### **НАТИЖАЛАР**

Биринчи Танзимот даври ижодкорлари айна пайтда давлат арбоби сифатида ҳам танилган эди. Ёзувчилар ижодида асосан классицизм (Шиносий, Аҳмад Воқиф пошо) ва романтизм (Номик Камол, Аҳмад Митҳат) таъсири кузатилади. Бу давр ижодкорлари 1789 йилги француз революциясининг мафқурасини тайёрлаган ёзувчиларнинг таъсирига тушиб, зулм, ҳақсизлик, чорасизлик ва қолоқликка қарши шиддатли курашга киради ва Ватан, миллат, давлат, адолат, қонун, ҳуқуқ, хуррият каби мавзуларни ёйишга ҳаракат қилади.

Иккинчи насл даври “Акрам-Ҳамид-Сазоий мактаби” сифатида келтирилиб, биринчи Машрутият эълон қилинган, яъни 1876 йилдан бошланган деб ҳисобланади ва Сарвати фунун адабиёти даврига қадар (1896) давом этади. Иккинчи даврнинг шиори “Санъат - санъат учун” тарзида янграйди. Бу даврда назмда сезиларли ўзгаришлар кузатилади, тилни соддалаштириш ғояси ўзини оқламай, насрда яна аввалги мураккаб тилга, назмда эса аруз вазнига қайтилади. Асарлар тематикаси умумийдан хусусийга қараб ҳаракат қилади - аввалги давр адабиётида жамият муаммолари кўпроқ ёритилган бўлса, бу даврга келиб шахсий муаммолар асосий планга чиқади. Чиройли бўлган ҳар қандай нарса санъатнинг мавзуси бўлишга ҳақли деб топилади. Шундан келиб чиқиб, шеърининг мавзулар кўлами ҳам кенгайди. Ёзувчилар романтизм йўналишида ёзишда давом этади, шу билан бирга реализм ва натурализмга асосланган асарлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Роман ва ҳикоя жанрлари аввалги даврга нисбатан янада ривожланади, театр асарлари эса фақатгина ижро этиш учун эмас, ўқиш учун ҳам ёзилади (пьесалар). Иккинчи Танзимотнинг йирик вакиллари сифатида Раҷоизода Маҳмуд Акрам, Абдулҳа қ

Ҳомид Тархон, Сами Пошозода Сазойи, Набизода Нозим, Муаллим Ножий, Аҳмад Жавдат Пошо ва Директор Али Бейларни санаш мумкин.

### **МУҲОКАМА**

Танзимот даврига келиб ёзувчиларнинг ижодий мактаблари шаклланганлиги айнан уларнинг ижодий услубдаги изланишлари турк миллий романининг жанр табиатини қарор топишида, унинг жаҳон адабиёти саҳнасида ўз ўрнини топишида катта аҳамият касб этади.

Танзимот даври араб ва форс адабиёти таъсиридан чекиниб, Ғарб, айниқса француз адабиёти таъсирининг кучайиши билан характерланади. Бу давр намоёндалари Девон адабиётида умуман учрамаган театр, мақола, роман, хотира, танқид каби адабий жанрларни турк адабиётига олиб кириб, аввалдан мавжуд бўлган шеър, мактуб сингари адабий жанрларни Ғарб адабий тушунчаларига мослаб, қайтадан тартибга солди. Танзимот адабиётининг дастлабки йилларида ижод қилган адибларнинг аксарияти француз инқилобчи ёзувчиларининг (Монтескье, Руссо, Вольтер) асарларидан таъсирланиб, мақола ва шеърларида зулм, адолатсизлик каби мавзуларни ёритдилар. Ватан, миллат, ҳуррият, ҳуқуқ, адолат, қонун тушунчаларина кенг ёйишга ҳаракат қилдилар ва “санъат - жамият учун” ғоясини илгари сурдилар. Даврнинг кейинги йиллари ижодкорлари эса (Раҷоизода Маҳмуд Акрам, Абдулҳақ Ҳомид Тархон, Сами Пошозода Сазойи) кўпроқ шахсга доир мавзуларни кўтариб чиқди ва “санъат - санъат учун” шиори остида ижод қилди. Танзимот адабиёти девон адабиётига зид равишда танланган кишилар учун эмас, **халққа хизмат қилувчи адабиёт**нинг бошланиши ўлароқ вужудга келди. Мазкур ғояни қўллаб-қувватлаган Шиносий, Зиё Пошо, Номик Камол, Аҳмад Митҳат, Директор Али Бейлар айниқса мақола, театр, хотира; қисман роман турларида асарлар маҳсул қилди. Кейинги йиллар ижодкорлари эса бу мавқсаддан бирмунча узоклашиб, тилнинг соддалашуви, сўзлашув тилини ёзув тилига айлантириш фикрини илгари сурди.

Туркияда маърифатчиликнинг тараққий этиши ўз навбатида насрий адабиёт тилининг шаклланиши каби долзарб муаммонинг ечилишига ҳам туртки бўлди. Бадиий тил бисоти – лексикаси “ёзма нотиклик”, яъни илмий ва сиёсий нутқларда қўлланиладиган сўзлар ҳисобига бойий бошлади. Насрий тил ва сўзлашув - лаҳжалар ҳамда мумтоз адабий тил ўртасидаги муносабатлар муаммосини ҳал этиш борасида умуммиллий тилнинг барча имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Турк адабиёти **маърифатчилик** адабиётига хос хусусиятларни намоён эта бошлади. Адабиёт тобора халққа, реал ҳаётга яқинлаша борди, жамият фикрининг ифодачиси сифатида майдонга чиқди.

Ёзувчилар ижодида мавжуд тузумнинг қолоқлиги, барча камчиликларини рўйи рост танқид қилиш тамойили кучайди. Публицистика нафақат инқилобий ғоялар тарғиботчиси, балки адабий танқид майдони, адабиёт кўзгуси сифатида майдонга чиқди. Натижада, миллатнинг фикрлаш тарзи ўзгарди, асрлар давомида турғун бўлиб келган адабий меъёрлар чегараси бузилди, мавжуд жанрлар сафи кенгайди, оламни эстетик идрок этиш ва тавсирлаш услубларида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса ўз навбатида бу ўзгаришларни ўзида тажассум эта оладиган катта насрий шакл – роман жанрига эҳтиёжни келтириб чиқарди. Чунки, айнан роман жанрининг имкониятлари ҳаётни “ижтимоий жиҳатдан кўп қатламли, бутун мураккаблиги ва зиддиятлари, ўзига хос драматизми билан инъикос этириш”<sup>15</sup>га қодир эди. Туркияда ҳам романнинг туғилиши тарихий зарурат эди.

Туркияда XIX асрнинг 60-70 йиллари классик жанрлар анъаналари замирида янги мазмундаги насрий асарлар яратишга интилиш кучайганлиги билан характерланади. Шундай интилишлар самараси ўлароқ сафарнома, ижтимоий-сиёсий рисола, эпистоляр (хат) асарлар, мунозара, достон, пьеса, публицистик роман жанрлари тараққий этди<sup>16</sup>. Санаб ўтилган жанрлар турк насрида нафақат тилнинг соддалашуви, тасвирда ҳаётийликнинг ортиши, балки мавжуд ижтимоий тузумга танқидий қарашларнинг кучайишига ҳам олиб келди.

Маърифатчилик руҳида ёзилган асарлардан бири, таржима романлардан кейинги дастлабки маҳаллий роман намунаси Шамсиддин Сомийнинг 1872 йилда ёзилиб, 1875 йилда китоб ҳолида нашр этилган “Таашшуқи Талъат ва Фитнат” (Таашшук-и Талат ва Фитнат - “Талъат ва Фитнатнинг муҳаббат қиссаси”) асари бўлди. Мазкур асар бугунги кунга қадар давом этиб келаётган роман маданиятининг турк адабиётидаги дастлабки қадами ўлароқ муҳим аҳамият касб этади. Шу сабаб мазкур романга алоҳида тўхталишни лозим деб топдик.

“Таашшук-и Талъат ва Фитнат” ўзида романтизмнинг қатор унсурларини ташийдди: романнинг асосини тасодифлар ташкил этади. Балки муаллифнинг биринчи қалам тажрибаси бўлгани учундир, у романда ҳақиқатдан кўра хаёлга кўпроқ ён босади. Шунга қарамай, тили, воқеалар ривожини, қаҳрамонлар тасвири романи ўша даврдаги бошқа романлардан устунроқ эканини кўрсатади<sup>17</sup>. Шу томонлама роман билан муштарак жиҳатларга эга бўлган асар

<sup>15</sup> Адабий турлар ва жанрлар. (Тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 1-Жилд. Эпос. – Т.: Фан, 1991. – Б.384.

<sup>16</sup> Бу жанрларнинг хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот учун қarang: Дорри Д. Персидская литература XX века. – М.: Муравей, 2005. – Б. 192.

<sup>17</sup> İsmail H. Edebi Yeniliğimiz. – İ.: Devlet Matbaası, 1936. – S. 322.



тасодифларнинг кўплиги, кўп қўлланилган мотивлари билан халқ эртақларини эслатади. Уч жилддан ташкил топган романнинг лисоний хусусиятлари ўша давр тилига нисбатан содда бўлиб, муаллиф асар давомида жимжимадор ифодалардан қочади. Бундан ташқари, романда сўзлашув тилини ҳам учратишимиз мумкин (масалан, араб энага гапларининг шевада ёзилиши). Романда бўлажак турмуш ўртоғини тўйдан аввал кўрмасдан турмуш қуриш анъанаси катта ижтимоий муаммо сифатида кўтариб чиқилган. Шу орқали ёзувчи китобхон халққа ижтимоий сабоқ беришга уринади.

Муаллиф бугунги кундан қарийб бир ярим аср илгари қаламга олган бу муаммо замонавийлашув ва тараққиётга қарамай, ҳалигача қисман давом этиб келмоқда. Бу масаланинг тўла-тўқис ҳал қилинмаганининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор албатта: туркий халқларда урф-одатларнинг қон-қонга сингиб кетгани, оила бошлиғи саналувчи отанинг ҳал қилувчи қарорни қабул қилиши, жамият саводхонлик даражасининг пастлиги ва ҳк. Мана шундай омиллар туфайли совчилик орқали турмуш қуриш, турмуш ўртоқни асосий одамлар қолиб учинчи даражали кишилар танлаши ҳолатларини ҳалигача кўришимиз мумкин.

Романда эътиборни тортадиган яна бир жиҳат, китоб ёзилган даврдан бугунги кунгача жамиятда аёлларга бўлган муносабатнинг қандай ўзгарганлигидир. Асарда акс этган консерватив жамиятда аёллар иккинчи даражали фуқаролар сифатида кўрилар эди. Уларнинг таълим ва меҳнат каби энг асосий ҳуқуқлари тортиб олинганди. У даврда қизларнинг ўн бир ёшдан кейин мактабга бориши номақбул деб ҳисобланган. Солиҳа хоним отаси уни мактабдан олиб кетишганини шундай изоҳлайди:

***“Bu görenektir. Kız on bir yaşına geldikten sonra yaşmaksız, feracesiz sokağa çıkamaz. Biz bu adeta uymak zorundayız. Sonra herkes bizimle ayal eder... Ne yapalım? Hala kızlara has okullarımız, kadın hocalarımız yok. Erkek okuluna on beş yaşında bir kız nasıl gidebilir?”<sup>18</sup>***

*“...Одат шундай: Қиз бола ўн-ўн бир ёшга етганидан кейин узун кўйлаг-у рўмолсиз кўчага чиқмайди. Ахир қандай қилиб одатимизга хилоф иш тутамиз? Ҳамма устимиздан куладуку... Нимаям қилардик? Ҳалигача қизлар учун махсус мактабларимиз, аёл ўқитувчиларимиз йўқ... Ўн беш ёшли қиз қандай қилиб ўғил болалар мактабига бориши мумкин ахир?”<sup>19</sup>*

Мана шу ифодадан ҳам тушуниш мумкинки, ўша даврда жамиятда аёлларга нисбатан жуда кучли босим бўлган. Оилалар фарзандларига таълим

<sup>18</sup> Sami Ş. Taaşuk-i Talat ve Fitnat. – İ. Can Yayınları, 2018. – S. 27.

<sup>19</sup> Мазкур таржима мақола муаллифига тегишли.

бермоқчи бўлсалар ҳам, жамият босимидан қўрқиб, таслим бўлишган. Қизлар етарли таълим ололмаганлиги сабаб, таълим даражаси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида чуқур тафовут мавжуд бўлган. Фақат бадавлат оилаларнинг қизлари уйларида шахсий ўқитувчилардан таълим олишлари мумкин эди. Бундан ташқари, отанинг оиладаги ўрнига ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмасди. Бундай патриархал тузилмада аёлларнинг оилада ва жамиятда ўз сўзига эга бўлишлари имконсиз эди. Роман замонанинг шу ва шу каби жиҳатларини очиб бергани нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

“Таашшуқ-и Талъат ва Фитнат” романида империяга ғарб маданиятининг таъсири натижаларини кўришимиз мумкин. Европача фикрлаш тарзи ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига кириб келган бир пайтдаги ижтимоий қарама-қаршиликлар мохирлик билан қаламга олиниб, ўқигувчини чуқур мулоҳазага чорлайди. Ҳожибобо образи халқнинг европача қарашларга бўлган муносабатини акс эттириши жиҳатидан муҳим саналади. Асарнинг бош ғояси консерватизм ва тараққиёт, зиёлилар ва авом халқ тўқнашуви мисолида атрофлича ёритиб берилган.

Шубҳасиз, “Таашшуқ-и Талъат ва Фитнат” асари XIX аср Туркияда роман жанрининг ва умуман насрнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган маърифатчилик йўналишидаги *публицистик романнинг* йирик намунаси ҳисобланади. Асарда илк бор турк жамиятининг турли жабҳалари (сиёсат, иқтисод, маданият, таълим,), усмонли кишиси турмуш тарзининг кўп қирралари қамраб олинган. Воқеалар жонли, баҳс-мунозараларга бой тарзда тасвирланган бўлиб, унда ёзувчининг фикр-мушоҳадалари, ўринли хулосалари баён этилган, буларнинг барчаси романга ҳаётийлик бағишлаган, замонадан анча орқада қолаётган Туркия турмуш-тарзи рўй-рост кўрсатилган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Hüseyin Rahmi'den Fakir Baykurt'a kadar Türk Romanı / Tatarlı İ., Mollof R. – Sofya: Vatan Cephesi Milli Saveti Yayınevi, 1968. – S. 216.
2. Seçme Romanlar (yazarları, özetleri, eleştiriler, kaynaklar) Taner R., Bezirci A. – İ.: Hür Yayınevi, 1973. – S. 248.
3. Aktaş Ş. Roman Sanatı ve Roman İncelemesine Giriş. – A.: Akçağ Yayınları, 1991. – S. 166.



4. Yılmaz D. Roman Kavramı ve Türk Romanının Doğuşu. – A.: Kültür Bakanlığı, 1990. – S. 160.
5. Akyüz K. Modern Türk Edebiyatının Ana Çizgileri. – A.: İnkılap, 1979. – S. 270.
6. Banarlı N.S. Resimli Türk Edebiyatı Tarihi. 2. cilt. – İ.: MEB Yayınları, 1971. – S. 550.
7. Гордлевский В.А. Избранные сочинения. В 3-х т. – М.: Издательство восточной литературы, 1962. Т.2. – С. 560.
8. Еремеев Д., Мейер М. История Турции в средние века и новое время. – М.: МГУ, 1992. – С. 246.
9. Евдокимова А. История стран Востока в новое время. – Уфа: БГПУ, 2009. – С. 238.
10. Дулина Н. Танзимат и Мустафа Решид-паша. – М.: Наука, 1984. – Б. 191.
11. Айзенштейн Н. А. Из истории турецкого реализма. – М.: Наука, 1968. – С. 284.
12. Гарбузова В. С. Поэты средневековой Турции. – Л.: ЛГУ, 1963. – С. 201.
13. Фиш Р. Г. Писатели Турции - книги и судьбы. – М.: Наука, 1963. – С. 242.
14. Кямилев Х. У истоков современной турецкой литературы. – М.: Наука, 1967. – С. 132.
15. Sami Ş. Taaşuk-i Talat ve Fitnat. – İ. Can Yayınları, 2018.